

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ PhD.26/27.02.2020.Т.109.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

КЕЛДИЁРОВА ГУЛМИРА ФАРХОДОВНА

**ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ
КОРХОНАЛАРИДАН АЖРАЛИБ ЧИҚАДИГАН ЗАРАРЛИ
МОДДАЛАРНИНГ АТРОФ-МУҲИТГА ТАЪСИРИНИ БАҲОЛАШ
(САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ МИСОЛИДА)**

03.00.10 - Экология

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд - 2021

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации (PhD)
философии по техническим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on technical sciences**

Келдиёрова Гулмира Фарходовна

Қурилиш материаллари ишлаб чиқариш корхоналаридан ажралиб
чиқадиган зарарли моддаларнинг атроф-муҳитга таъсирини баҳолаш
(Самарқанд вилояти мисолида) 3

Келдиярова Гулмира Фархадовна

Оценка воздействия загрязняющих веществ на окружающую
среду от производства строительных материалов
(на примере Самаркандской области) 25

Keldiyarova Gulmira Farkhadovna

Assessment Of The Impact Of Pollutants On The Environment
From The Production Of Building Materials (On The Example Of The
Samarkand Region) 45

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 49

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМӢ ДАРАЖА БЕРУВЧИ PhD.26/27.02.2020.Т.109.01
РАҚАМЛИ ИЛМӢ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

КЕЛДИЁРОВА ГУЛМИРА ФАРХОДОВНА

**ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ
КОРХОНАЛАРИДАН АЖРАЛИБ ЧИҚАДИГАН ЗАРАРЛИ
МОДДАЛАРНИНГ АТРОФ-МУҲИТГА ТАЪСИРИНИ БАҲОЛАШ
(САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ МИСОЛИДА)**

03.00.10 - Экология

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд - 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.2.PhD/B215 рақам билан рўйхатга олинди.

Диссертация Самарқанд давлат университетида бажарилган.

Докторлик диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)). Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.aknuk.uz) ва "ZiyoNet" Ахборот таълим тармоғида (www.ziynet.uz) жойлаштирилди.

Илмий раҳбар:

Бобоев Собиржон Мурадуллаевич
техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Мамбетуллаева Светлана Мирзамуратовна
биология фанлари доктори, профессор

Ходжиев Алишер Қулдошев
техника фанлари фалсафа доктори (PhD)

Етакчи ташкилот:

Жиззах политехника институти

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти ҳузуридаги PhD.26/27.02.2020.Т.109.01 рақамли Илмий кенгашнинг 20 21 йил «17» декабр соат 20:00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 140147, Самарқанд ш., Лолазор кўчаси, 70-уй. Тел.: (998 66) 237-18-47; факс: (998 66) 237-19-53, e-mail: samgasi_atm@edu.uz).

Диссертация билан Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ 2018 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 140147, Самарқанд, Лолазор кўчаси, 70-уй. Тел.: (998 97) 315-44-50, e-mail: <http://arm.samgasi.uz/>.

Диссертация автореферати 20 21 йил «30» ноябр куни тарқатилди.
(20 21 йил «30» ноябр даги 2 - рақамли реестр баённомаси.)




Ю.К.Рашидов
Илмий даража берувчи
илмий кенгаш раиси,
т.ф.д., профессор

Р.М.Махмудов
Илмий даража берувчи
илмий кенгаш илмий котиби,
т.ф.н., доцент

А.Н.Турабаев
Илмий даража берувчи Илмий кенгаш
қошидаги Илмий семинар раиси,
б.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Ҳозирда жаҳоннинг ривожланган давлатлари саноат ишлаб чиқариш амалиётида фан ва техниканинг инновацион технологиялари ва услубларини ишлаб чиқишга катта эътибор берилмоқда. Шу жумладан, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида ишлаб чиқариш корхоналаридан ҳосил бўлган зарарли моддаларнинг руҳсат этилган чегаравий меъёрдан ошмаслигига эришиш, турли соҳадаги ишлаб чиқариш саноат корхоналарининг атроф-муҳитга таъсирини камайтириш масалалари етакчи ўринни эгаллайди. Бу борада, дунёнинг ривожланган мамлакатларида маълум ютуқларга эришилган бўлиб, ишлаб чиқариш корхоналарида ҳам чанг ҳам газсимон моддаларни тозалаш имконияти мавжуд бўлган ускуналарни яратишда такомиллаштирилган янги конструктив ечимларини ишлаб чиқиш ва корхоналарнинг атроф-муҳитга таъсирини тозалаш фильтрларида чанг-газ тозалаш ускуналарини қўллаш орқали камайтирилишини илмий асослаш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Жаҳоннинг етакчи илмий-тадқиқот марказларида ишлаб чиқариш корхоналаридан ҳосил бўлган зарарли моддаларнинг руҳсат этилган чегаравий меъёр лойиҳалари асосида баҳолаш, меъёрлаштириш, чанг газ тозалаш ускуналарининг иш самарадорлигини оширишга кенг эътибор қаратилмоқда. Корхоналарнинг атроф-муҳитга таъсирини камайтиришда, баҳолаш босқичларини ишлаб чиқишда белгиланган норматив ҳужжатлар асосида таҳлил қилиш, корхоналарнинг атмосфера ҳавосига, инсон саломатлиги ва ўсимлик дунёсига таъсирини камайтириш, корхоналардаги чанг-газ тозалаш ускуналарида иккинчи босқичли тозалаш тизимини яратиш, ускуналарнинг узок муддат иш фаолиятига эга бўлишига эришиш, фильтрлар ва чанг туткичнинг технологик жараёнини ўзгартирилиши ҳисобига самарадорликни оширишда алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикада қурилиш материаллари ишлаб чиқариш саноатида тозалаш ускуналарини модернизация қилиш билан бир қаторда, атмосфера ҳавосининг меъёрдан ортиқ ифлосланишининг олдини олиш ва зарарли моддаларнинг руҳсат этилган чегаравий меъёрдан ошмаслигига эришишда кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “.....атроф-муҳит муҳофазаси, генофондга ва аҳоли саломатлигига етказиладиган салбий таъсирнинг олдини олишга қаратилган чора тадбирларни ўз вақтида амалга ошириш” бўйича вазифалар белгилаб берилган. Мазкур вазифалардан келиб чиқиб, янги турдаги чанг-газ тозалаш ускуналарини ишлаб чиқариш корхоналарида қўллаш орқали ускуналар иш самарадорлигини ошириш ва корхоналарнинг атмосфера ҳавосига, инсон саломатлиги ва ўсимлик дунёсига таъсирини камайтириш ва баҳолаш муҳим илмий амалий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон Фармони билан тасдиқланган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг 5 та

устувор йўналишида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 октябрдаги ПФ-5863-“2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони ва мазкур фаолиятга тегишли бўлган бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган мазкур вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларга мослиги. Мазкур тадқиқот иши республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. “Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси” устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Бугунги кунда қурилиш материаллари ишлаб чиқариш корхоналарининг атроф-муҳитга таъсири, атмосфера ҳавосига ташлама ташлайдиган манбаларни инвентаризация қилиш, атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи манбаларни, шунингдек, чанг ва газларни ушлаб қолувчи қурилмаларни текшириш ва корхоналарнинг атроф-муҳитга таъсири кўплаб хорижий олимларнинг, жумладан, МДХ мамлакатлари олимларидан Bethhandbuch, S.Matts, O.Ohnferdt (Поглощение сероводорода бисульфитным раствором.-Svensk papperstidning, 1974, 77; № 6, р-211-217), Е.В. Сафонов (Снижение негативного воздействия на окружающую среду пыли производства строительных изделий, 2004, 65-68стр.), В.М. Гарин, И.А. Клёнова, (Очистка технологических газов. 2-е изд. М., 1977. 478 стр.) А.И. Колесников, В.А.Вронский, С.В. Евгений (Оросители и форсунки химической промышленности. М., 1974. 213стр.), И.Ю. Попович, И.Л. Ревудская, Р.Ф.Максимов, И.В. Вольф(Учебное пособие для вузов.М: “Лесная промышленность” 1981, 560-561 стр), М.И.Биргер, А.Ю.Вольдберг, Б.И.Мягков (Очистка промышленных газов фильтрами, М., 1970. 318 стр.), В.Ю.Падва, А.А.Русанов, А.А.Челноков (Справочник по пыли золоулавливаю. М: Энергоиздат, 1983, 197-234стр) ва бошқаларнинг тадқиқотларида баҳоланган.

Республикамиз олимларидан С. М. Бобоев, Н. К. Джаманкулов (Ишлаб чиқариш корхоналар ҳавосини мўътадиллаштириш. 2017й. Патент ҳужжатлари), К.У. Буриев, Р. Айматов, Н.К. Джаманкулов, Р. Ганиев (Корхоналарда чанг ва газларни тозалаш ускуналарина такомиллаштириш. 2014 й. Патент ҳужжатлари), О. Қудратов (Тўқимачилик, пахтачилик ва енгил саноат корхоналарида атроф-муҳитни муҳофазалаш. 2007 й. Тошкент. 112-119 б)лар томонидан амалга оширилган. Саноат экологияси доирасидаги кўп йиллик тадқиқот тажрибаларига қарамасдан, олимларнинг бу мавзуга бўлган қизиқишлари ўз долзарблигини йўқотмаган. Хозирги кунгача Самарқанд вилоятидаги қурилиш материаллари ишлаб чиқариш корхоналарининг атроф муҳитга таъсирини камайтириш, ускуналар иш самарадорлигини ошириш масалалари етарли даражада ўрганилмаган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат университети ҳамда “Нарпай

ифтихор саноати” МЧЖ (№29. 21. 10.2019) ҳамкорлигидаги “Атмосфера ҳавосига ташланма ташлайдиган манбаларни инвентаризация қилиш” мавзусидаги (2019-2020 йй) амалий лойиҳаси, Инновацион Вазирлик ҳамда олий таълим муассасалари Дастури доирасидаги “Саноат ва қурилиш материаллари ишлаб чиқариш корхоналарида янги турдаги чанг-газ тозалаш ускуналарини яратиш ва қўллаш орқали атроф-муҳитга таъсирини баҳолаш” (2019-2022 йй) амалий лойиҳаси, Самарқанд давлат университети ҳамда “Дафина” техник муҳандислик маркази билан П-2/2019 фундаментал лойиҳалари (2019 -2020 йй) доирасида бажарилган.

Тадқиқот мақсади. Қурилиш материаллари ишлаб чиқариш корхоналаридаги чанг-газ тозалаш ускуналарида янги турдаги чанг-газ тозалаш ускуналарини яратиш, иш самарадорлигини ошириш ва қўллаш орқали корхоналардан ажралиб чиқадиган зарарли моддаларнинг атроф-муҳитга таъсирини баҳолашдан иборат.

Тадқиқот вазифалари. Қурилиш материаллари ишлаб чиқариш корхоналарининг экологик ҳолатини ўрганиш, ҳосил бўладиган зарарли моддалар миқдорини аниқлаш ва таҳлил қилиш;

ишлаб чиқариш корхоналарининг атроф-муҳитга таъсирини баҳолаш босқичларини ишлаб чиқиш;

янги турдаги чанг газ тозалаш ускуналарини яратиш ва ишлаб чиқариш корхоналарида жорий қилиш, ускуналар иш самарадорлигини ошириш;

ишлаб чиқариш корхоналаридан ҳосил бўлган зарарли моддаларнинг атроф-муҳитга таъсирини камайтириш ва атмосфера ҳавосининг руҳсат этилган чегаравий меъёрдан ортиқ ифлосланганлик ҳолатини бартараф этиш;

қурилиш материаллари ишлаб чиқариш корхоналарида ҳосил бўлган зарарли моддаларни белгиланган норматив ҳужжатлар асосида таҳлил қилиш ва меъёрлаштириш;

Тадқиқотнинг объекти сифатида Самарқанд вилоятидаги қурилиш материаллари ишлаб чиқариш корхоналари олинган.

Тадқиқот предмети қурилиш материаллари ишлаб чиқариш корхоналаридан ажралиб чиқадиган зарарли моддалар ва чанг-газ тозалаш ускуналари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишида саноат биноларининг ҳаво параметрлари ва аэродинамикасини аниқлашнинг замонавий усуллари, чанг-газсимон моддаларни таҳлил қилиш ҳамда миқдорини аниқлаш, корхоналарда мониторинг ўтказиш, экспериментал ва статистик таҳлил усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

қурилиш материаллари ишлаб чиқариш корхоналаридан ажралиб чиқадиган зарарли моддаларнинг атроф-муҳитга таъсирини баҳолаш босқичлари корхоналарнинг таъсир этиш хавфлилик даражаларига нисбатдан ишлаб чиқилган;

ишлаб чиқариш корхоналаридаги чанг тозалаш ускуналарида чанг газсимон моддаларни тозалаш имконияти яратилган, ускуналар иш

самарадорлиги чанг туткичнинг технологик жараёнини ўзгартирилиши ҳисобига оширилган;

корхоналарда тўлдирувчи материаллар ёрдамида чанг-газларни тозалаш ускуналарининг қўлланилиши орқали уларнинг атмосфера ҳавосига, аҳоли саломатлигига ва ўсимлик дунёсига таъсири камайтирилганлиги исботланган;

меъёрдан ортиқ атмосфера ҳавосига зарарли моддалар ажратиб чиқарадиган корхоналарда чангларни юқори самарада ушлаб қолувчи матоли филтрли чанг-газ тозалаш ускуналарини жорий қилиш билан тасдиқланган нормалар асосида руҳсат этилган чегаравий меъёрдан ошмаслигига эришилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

чанг-газларни филтрлар ёрдамида тозалаш муаммосини ҳал қилишда, чанг-газ тозалаш ускуналарининг ўрнатилиши ҳисобига корхоналарнинг атроф-муҳитга таъсирининг баҳоланиши тўғрисидаги маълумотлар банки яратилган;

корхоналарнинг атмосфера ҳавосига, инсон саломатлиги ва ўсимлик дунёсига таъсири камайтирилиши бўйича янги турдаги ускуна яратилган ва ускуна иш самарадорлиги оширилиши учун тўлдирувчи материаллар ёрдамида чанг-газларни тозалаш ускунаси техник ечимлари ишлаб чиқилган;

қурилиш материаллари ишлаб чиқариш корхоналаридан ҳосил бўлган зарарли моддаларни ушлаб қолиш самарадорлиги оширилганлиги, атмосферадаги зарарли моддаларнинг миқдори руҳсат этилган чегаравий меъёрдан камайтирилганлиги аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқотларни замонавий дастурлар ва янгиланган меъёрий ҳужжатлардан фойдаланган ҳолда ўтказилганлиги, тадқиқотларнинг меъёр ва қоидалар асосида амалга оширилганлиги, эксперимент натижаларининг ўзаро мутаносиблиги ҳамда яратилган янги турдаги ускуналарнинг амалиётга жорий қилинганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти қурилиш материаллари ишлаб чиқариш корхоналарининг атроф-муҳитга таъсирини баҳолашда, тўлдирувчи материаллар ёрдамида чанг-газларни тозалаш ускуналарининг конструктив ечимларини ишлаб чиқиш ва уларни ривожлантирилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти саноат ҳудудида янги қуриладиган объектларнинг “Атроф-муҳитга таъсири тўғрисида баёнот (АМТТБЛ)”, “Экологик оқибатлар тўғрисида баёнот (ЭОТБ) лойиҳаларини ишлаб чиқишда, чанг-газ тозалаш ускуналари учун ишлаб чиқилган юқори самарада тозалаш ва узок муддатли иш фаолиятига эга бўладиган ускуналарнинг абсорбентлар билан тўлдирилган қатлам қалинлигини кенгайтириш ҳисобига ускуна иш самарадорлигини ошириш, зарарли моддаларнинг атмосфера ҳавоси бўйлаб тарқалиш кенглигини лойиҳалаш амалиётида фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Қурилиш материаллари ишлаб чиқариш корхоналаридан ажралиб чиқадиган зарарли моддаларнинг атроф-муҳитга таъсирини баҳолаш бўйича олинган натижалар асосида:

корхоналардан ажралиб чиқадиган зарарли моддаларнинг атмосфера ҳавосига таъсири ва таъсирини камайтириш бўйича таклифлар турли соҳадаги ишлаб чиқариш корхоналарининг меъёрий ҳужжатларини тайёрлашда кенг қўлланилган (Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2020 йил 30 октябрдаги 02-02/8-2587 сонли маълумотномаси). Натижада Urgut Textile Shifer МЧЖ шифер ва Илк Ёғду Нашидаси ғишт ишлаб чиқариш корхоналарининг атмосфера ҳавосига таъсир доираси ва манбалар инвентаризация жараёнларининг сифатини ошишига хизмат қилган;

янги турдаги чанг-газ тозалаш ускуналарини яратиш ва қўллаш орқали корхоналарнинг атроф-муҳитга таъсири камайтирилган. Асфальт-бетон ишлаб чиқариш корхонасидаги мавжуд циклонларда иккинчи босқичли тозалаш ускунаси сифатида қўлланилган. (Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги автомобил йўллари қўмитасининг 2020 йил 28 сентябрдаги 03/3050-4788 сонли маълумотномаси). Натижада, Самарқанд шаҳридаги асфальт-бетон ишлаб чиқариш корхонасининг чанг-газ тозалаш ускунаси иш самарадорлиги 85 % дан 98 % га оширилган;

ишлаб чиқариш корхоналаридан ажралиб чиқадиган зарарли моддаларнинг атмосфера ҳавоси бўйлаб тарқалиш кенглиги замонавий дастурлар асосида таҳлил қилинган. (Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги автомобил йўллари қўмитасининг 2020 йил 28 сентябрдаги 03/3050-4788 сонли маълумотномаси). Ишлаб чиқариш корхоналаридан ажралиб чиқадиган зарарли моддаларнинг атмосфера ҳавоси бўйлаб тарқалиш кенглиги компьютернинг “Эко-центр” дастурида таҳлил қилинган. Натижада, зарарли моддаларнинг атроф-муҳитга таъсир этиш ҳолатини кўрсатиб берган;

тасдиқланган нормалар бўйича ифлослантирувчи моддаларни атмосферага чиқариб ташлашнинг меъёрида амал қилиниши таҳлил қилинган (Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2020 йил 30 октябрдаги 02-02/8-2587 сонли маълумотномаси). Натижада, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш корхоналарининг атмосфера ҳавосига, инсон саломатлигига ва ўсимлик дунёсига таъсири баҳоланган, корхонанинг атроф-муҳитга таъсирини камайтириш бўйича тадбирларни режалаштириш ва амалга ошириш имконини берган;

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари, жумладан, 4 та халқаро 5 та республика миқёсидаги илмий техник ва илмий амалий анжуманларда муфассал муҳокамадан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 21 та илмий мақола чоп этилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари

асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 11 та мақола, шундан 5 таси маҳаллий ва 6 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва хажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат бўлиб, хажми 120 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқот мавзуси долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, Ўзбекистон Республикасининг фан, инновациялар ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мос эканлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва олинган тажриба натижаларининг илмий амалий аҳамияти, уларнинг ишлаб чиқариш жараёнига жорий қилиниши, тадқиқот натижалари асосида нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Зарарли моддаларнинг атроф-муҳитга таъсирини баҳолаш йўллари”** деб номланган биринчи бобида ишлаб чиқариш корхоналарининг атроф-муҳитга таъсири, атмосфера ҳавосига ташланма ташлайдиган корхона манбаларини инвентаризация қилиш, атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи манбаларни, шунингдек, чанг ва газларни ушлаб қолувчи қурилмаларни текшириш ва корхоналарнинг атроф муҳитга таъсирини баҳолаш бўйича фикр билдирилган, кўплаб хорижий ва юртимиз олимларининг тадқиқотлари келтирилган.



Тадқиқот ишини ёритишда кўплаб методлар жумладан, саноат биноларининг ҳаво параметрлари ва аэродинамикасини аниқлашнинг замонавий усуллари, чанг-газсимон моддаларни таҳлил қилиш ҳамда миқдорини аниқлаш, корхоналарда мониторинг ўтказиш, экспериментал ва статистик таҳлил каби методлари орқали таҳлил қилинган. Бу каби, тадқиқот методлари атроф-муҳит муҳофазаси ва саноат экологиясида корхоналардан ажралиб чиқадиган зарарли моддаларнинг атроф-муҳитга таъсирини баҳолашни ўрганишда энг муҳим методлардан саналади. Бундан ташқари, ишлаб чиқариш корхоналаридаги чанг газ тозалаш ускуналар турлари ва уларнинг камчиликларини, манбалардан намуналар олиш усуллари келтирилган.

Диссертациянинг **“Қурилиш материаллари ишлаб чиқариш корхоналарини атроф муҳитга таъсирини баҳолашнинг таҳлили”** деб номланган иккинчи бобида қурилиш материаллари ишлаб чиқариш корхоналарининг атмосфера ҳавосини ифлослантириши таҳлиллари келтирилган. Қурилиш материаллари ишлаб чиқариш жумладан, Магистрал Самарқанд йўллардан мунтазам фойдаланиш УК (СамЎФДУ), “URGUT TEXTILE SHIFER” маъсулияти чекланган жамияти ва “ILK YOG’DU NASHIDASI” маъсулияти чекланган жамияти керамика ғишт ишлаб чиқариш

корхонаси манбаларидан ҳосил бўладиган зарарли моддалардан намуналар олиш ва миқдорларини аниқлаш методлари ҳақида тушушнчалар берилган.

Ишлаб чиқариш корхоналаридаги чанг-газ тозалаш ускуналари турлари, хараактеристикаси ва таҳлиллари келтириб ўтилган. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2006 йил 3 январда 1533-сон билан рўйхатга олинган “Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги корхоналарда атмосферага ифлослантирувчи моддалар чиқарадиган манбаларни ҳисобга олиш ва ифлослантирувчи моддаларни меъёрлаштириш йўриқномаси”ни қўллаш асосида таҳлил қилинган. Асфальт-бетон, ғишт ва шифер ишлаб чиқариш жараёнидаги ташкиллаштирилган ва ташкиллаштирилмаган манбаларини хатловдан ўтказилган ва тадқиқ қилинган бўлиб, корхоналардаги чанг-газ тозалаш ускуналари ўрганилган.

Шифер ишлаб чиқариш корхонаси манбаларининг инвентаризациясига карта схемаси. (Ўргут тумани)
М 1:1000




1-расм. Корхонадаги манбаларнинг хатловдан ўтказилиши (шифер и/ч корхонаси)


Манба: расм муаллиф тадқиқотлари асосида ишлаб чиқилган.

Корхонанинг ишлаб чиқариш технологик жараёнида атмосферага ифлослантирувчи моддалар чиқарувчи ҳар бир манба бўйича алоҳида ва корхона бўйича тўлиқ ифлослантирувчи моддалар миқдори аниқлаб чиқилади ва ташланма ташлайдиган манбалар хатловдан ўтказилади (1 расмга қаранг). Ифлослантирувчи моддаларнинг тарқалишини аниқлаш атмосфера ҳавоси ифлосланишини ҳисоблашнинг универсал дастурлари бўйича ўтказилади. Уларнинг ичида ҳисоблаш натижаларида, ҳар бир тугундаги жами улушига, бир нечта манбаларнинг энг салмоқли ҳиссалари ҳақида маълумотларни ўзида жамлаши мақсадга мувофиқдир. Ушбу таҳлиллар “Зко-цент” ва “Эколог” каби дастурларда амалга оширилади.

Ноорганик чанг. (ЦН-11 циклон).



Ноорганик чанг. (Янги ускуна).



2-расм. Асфальт-бетон ишлаб чиқариш корхонасидан ажралиб чиқадиган ноорганик чангнинг тарқалиш кенглиги (50-130 м масофа, “Эко-цент” дастури асосида).

Манба: расм муаллиф тадқиқотлари асосида ишлаб чиқилган.

(1-тош саралаш цехи, 2-асфальт бетон цехи, 3-бетон тайёрлаш ва аралаштириш цехи, 4-цемень сақлаш омбори, 5-темир бетон тайёрлаш цехи, 6-қозонхона, 7-арматура цехи, 8-механик цех, 9-ёқилги сақлаш омбори, 10-ошхона, 11-раҳбарият ва маиший х/к биноси, 12-лаборатория, 13-тайёр т/б маҳсулотларини сақлаш омбори, 14-битум сақлаш ховузи, 15-Оқдарё, 16-Ҳалвойи маҳалласи, 17-авто йўл).

2-расмда Самарқанд вилоятидаги асфальт-бетон ишлаб чиқариш корхонасидан ажралиб чиқадиган ноорганик чангнинг атмосфера ҳавоси бўйлаб тарқалиши мавжуд ускуна ва янги турдаги чанг-газ тозалаш ускунаси ўрнатилганидан кейинги ҳолати ва манбаларнинг жойлашуви бўйича маълумотлар келтирилган.

Илмий тадқиқот ишларини олиб бориш учун танланган Самарқанд йўллардан мунтазам фойдаланиш унитар корхонасидан ажралиб чиқадиган зарарли моддалар яъни ноорганик чанг, азот оксиди, углерод оксиди ва углеводородларнинг атмосфера бўйлаб тарқалиш кенглиги хариталари “Эко-центр” дастурида лойиҳаланди. Корхонадан ажралиб чиқадиган ноорганик чанг ва зарарли моддаларнинг Ўзбекистон Республикаси корхоналаридан атмосфера ҳавосига чиқариладиган зарарли моддаларнинг квотаси ва шамол йўналишини ҳисобга олган ҳолда таҳлил қилинди.

Хавфлилик синфига боғлиқ руҳсат этилган чегаравий меъёри-3 ҳисобланган **ноорганик чангнинг** (белгиланган квота- $0,33\text{мг/м}^3$) ташкиллаштирилган манбадан 50 м масофада тарқалиш кенглигидаги миқдори $0,42\text{ мг/м}^3$, 130 м масофада $0,34\text{ мг/м}^3$ ни ташкил этди. **Азот диоксида**-хавфл. синфи-2 (белгиланган квота- $0,25\text{мг/м}^3$), 50 м масофада $0,27\text{мг/м}^3$, 130 м масофада $0,23\text{мг/м}^3$. **Углерод оксиди**-хавфл. синфи-4 (белгиланган квота- $0,50\text{ мг/м}^3$), 50 м масофада $0,43\text{мг/м}^3$, 130 м масофада $0,38\text{мг/м}^3$. **Углеводородлар**-хавфл. синфи-4(белгиланган квота $0,50\text{мг/м}^3$), 50 м масофада $0,51\text{мг/м}^3$, 130 м масофада $0,42\text{мг/м}^3$. асфальт завод, шифер ва гишт ишлаб чиқариш корхоналари таҳлиллари 1 жадвалда келтирилган.

Қурилиш материаллари ишлаб чиқариш корхоналаридан ажралиб чиқадиган зарарли моддаларнинг атмосфера ҳавоси бўйлаб тарқалиш кенглиги таҳлиллари


Ишлаб чиқариш корхонаси	Зарарли моддалар	“Эко-цент” дастури таҳлиллари, мг/м ³ , масофа 50 м	“Эко-цент” дастури таҳлиллари, мг/м ³ , масофа 130 м	Янги турдаги ЧГТУ ўрнатилг. масофа 50 м	Янги турдаги ЧГТУ ўрнатилг. масофа 130 м
Шифер и/ч корхонаси	Ноорганик чанг	0,59	0,45	0,32	0,26
	Углерод оксиди	0,38	0,29	0,24	0,18
	Азот оксиди	0,64	0,52	0,38	0,29
Асфальт бетон и/ч корхонаси	Ноорганик чанг	0,42	0,34	0,29	0,23
	Углерод оксиди	0,43	0,38	0,34	0,29
	Азот оксиди	0,27	0,23	0,20	0,16
	Углеводородлар	0,51	0,42	0,37	0,31
Ғишт и/ч корхонаси	Ноорганик чанг	0,89	0,68	0,54	0,32
	Углерод оксиди	0,46	0,34	0,29	0,21
	Азот оксиди	0,67	0,54	0,39	0,28
	Олтингугурт оксиди	0,61	0,49	0,37	0,26

Манба: жадвал муаллиф томонидан ўтказилган тадқиқотлар асосида ишлаб чиқилган.

Диссертациянинг “Қурилиш материаллари ишлаб чиқариш корхоналаридан ажралиб чиқадиган зарарли моддалар таъсирини камайтиришни такомиллаштириш ва баҳолаш” деб номланган учинчи бобида ишлаб чиқариш корхоналарида янги турдаги чанг-газларни тозалаш ускуналарини қўллаш ёрдамида зарарли моддаларнинг таъсири атмосфера ҳавоси, ўсимлик дунёси ва инсон саломатлиги асносида таҳлил қилинган. Танлов тўғри чунки, корхоналарнинг энг кескин таъсири атмосфера, ўсимлик ва инсон саломатлигига юқори ҳисобланади. Ундан ташқари, азот оксиди, углерод оксиди ва ноорганик чангнинг инсон саломатлигига таъсири белгиланган норматив ҳужжатлар асосида, энг яқин ҳисобланган аҳоли пунктларига нисбатдан ўрганилган.

Корхоналарда қўлланилган янги турдаги чанг газ тозалаш ускуналари яъни “Тўлдирувчи материаллар ёрдамида чанг газларни тозалаш ускунаси”нинг чизмалари 1 расмда келтирилган. 1-ўнта сув пуркагич (форсунка)лар, 2-кассеталарни тутиб турувчи мустаҳкам сетка, 3-форсункаларга ўрнатилган вентиллар, 4-тозаланган ҳавони узатиш қувури, 5-иккита керамзитли кассетаралар, 6-қуйқа сув узатиш йўлаги, 7-токча, 8-штуцер, 9-чукма йиғувчи идиш, 10-насос, 11-тирғақлар, 12-йиғилган қуйқа сувни чиқариб юбориш. Мазкур ускуна чанг-газларни тозалаш соҳасига тааллуқли бўлиб, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ва бошқа саноат

корхоналарида қўлланилади. Керамзит маҳаллий ҳом ашёси зарарли моддаларни абсорбция усулида тозаланишини, ускунанинг узок муддатда иш фаолиятига эга бўлишини таъминлайди. Ускунага ўрнатилган сув узатиш насоси сувдан кетма кет фойдаланиш, оқова сув тозалаш иншооти эса қўйқа сувни йиғиб, табиий тиндириш имконини беради.



3-расм. Тўлдирувчи материаллар ёрдамида чанг-газларни тозалаш ускунаси.

Манба: расм муаллиф тадқиқотлари асосида ишлаб чиқилган

1-ўнта сув пуркагич (форсунка)лар, 2-кассеталарни тутиб турувчи мустаҳкам сетка, 3-форсункаларга ўрнатилган вентиляр, 4-тозаланган ҳавони узатиш қувири, 5-иккита керамзитли кассеталар, 6-қўйқа сув узатиш йўлаги, 7-токча, 8-штуцер, 9-чукма йиғувчи идиш, 10-насос, 11-тирғақлар, 12-йиғилган қўйқа сувни чиқариб юбориш.

Ускунада жойлаштирилган керамзитли қатлам қалинлигини кенгайтириш ва кассеталар сонини кўпайтириш ҳам мумкин. Чанг-газсимон ҳаво биринчи босқичли тозалаш ускунасидан келиб ҳаво қувири орқали иккинчи босқичли тозалаш ускунасига йўналади. Чанг-газсимон ҳаво тезлиги ўзгарган ҳолда мустаҳкам сеткадан 2 ўтиб, керамзит билан тўлдирилган кассеталарга 5 йўналади. Бу жараён вақтида сув пуркагич (форсунка)лардан сув пуркаланади ва чанг-газ заррачаларини пастга туширади. Бу жараён доимий равишда кассеталарни регенерация қилиб ҳам боради. Биринчи кассетадан ўтган қисман тозаланган ҳаво иккинчи кассетага йўналиб, тозаланиб ўтади. Тозаланиш коэффиценти ўзгарган ҳолда тозаланган ҳаво ҳаво узатиш йўлагидан ўтиб, атмосферага ташланади.

Тўлдирувчи материаллар ёрдамида чанг-газларни тозалаш ускунасининг синовдан ўтказилиши. Мазкур ускунанинг синовдан ўтказилиши Самарқанд йўллардан мунтазам фойдаланиш унитар корхонасидаги асфальт-бетон тайёрлаш цехида ЦН-11 русумли циклондан кейин иккинчи босқичли чанг-газ тозалаш ускунаси сифатида ўрнатилиб, синовдан ўтказилди.

Янги турдаги чанг-газ тозалаш ускунасининг синовдан ўтказилганлиги

	Битта кассета қўлланилганда		Иккита кассета қўлланилганда	
	Кассета қалинлиги (см)		Кассета қалинлиги (см)	
САМАРАДОРЛИГИ	15	20	35	40
	92,9	93,4	95,2	97,8

Манба: жадвал муаллиф тадқиқотлари асосида ишлаб чиқилган.

- 1) Ускунадаги кассетанинг қалинлигини 15 см бўлганида:

$$\eta = \frac{0,09 - 0,0066}{0,09} * 100 = 92,9 \quad (93 \%) \quad (1)$$

- 2) Ускунадаги кассетанинг қалинлигини 20 см бўлганида:


$$\eta = \frac{0,09 - 0,0059}{0,09} * 100 = 93,4 \quad (93,5 \%)$$

- 3) Ускунадаги кассетанинг қалинлигини 35 см бўлганида:

$$\eta = \frac{0,09 - 0,0044}{0,09} * 100 = 95,2 \quad (95 \%)$$

- 4) Ускунадаги кассетанинг қалинлигини 40 см бўлганида:

$$\eta = \frac{0,09 - 0,002}{0,09} * 100 = 97,8 \quad (98 \%)$$



4-расм. Ускуна самарадорлигининг қатлам қалинлигига боғлиқлиги

Манба: расм муаллиф тадқиқотлари асосида ишлаб чиқилган.

Лаборатория-таҳлил ва эксперимент усулларида олинган натижалар янги турдаги чанг-газ тозалаш ускунаси иш самарадорлиги 98 % ни ташкил этишини кўрсатди (4-расмга қаранг). Самарқанд вилоят йўллардан мунтазам фойдаланиш унитар корхонасидан ажралиб чиқадиган зарарли моддаларнинг атроф-муҳитга таъсирини баҳолаш асфальт тайёрлаш цехидаги ЦН-11 циклонининг иш вақтига нисбатдан аниқланди. (2-жадвалга қаранг).

ЦН-11 русумли чанг-газ тозалаш ускунасининг ушлаб қолиш самарадорлигини аниқлаш

Тозаланиш жараёнигача бўлган чанггаз аралашмасининг сифими $C = 862,4 \text{ мг/м}^3$, тезлиги $V = 12,8 \text{ м/с}$. манба баландлиги $H = 12,4 \text{ м}$, диаметри $D = 0,5 \text{ м}$. У ҳолда атмосферага ташланадиган чанг аралашмасининг ҳажми куйидагига тенг бўлди: $Q = 2,51 \text{ м}^3/\text{с}$.

Тозаланиш жараёнигача бўлган ноорганик чангнинг вақт бирлиги ичидаги миқдори 2,16 г/с. Чангнинг йиллик миқдори 39,19 т/йил.

Тозалаш ускунасининг ушлаб қолиш самарадорлиги:

$$T = 39,1 - 5,81 / 39,1 * 100 = 85,1\% \quad (2)$$

Тозалаш ускунаси иш самарадорли 85,1% га тенг бўлди.

Янги турдаги чанг газ тозалаш ускунасининг қўлланилиши ҳисобига эришилган натижа

Тозаланиш жараёнигача бўлган чанг газ аралашмасининг сифими $C=132,8 \text{ мг/м}^3$, тезлиги $V=12,6 \text{ м/с}$, манба баландлиги $H = 11,4 \text{ м}$, диаметри $D = 0,45 \text{ м}$. У ҳолда атмосферага ташланадиган чанг аралашмасининг ҳажми $Q=1,81 \text{ м}^3/\text{с}$. Тозаланиш жараёнигача бўлган ноорганик чангнинг вақт бирлиги ичидаги миқдори 0,240 г/с. Чангнинг йиллик миқдори 4,35 т/йил. Тозалаш ускунасидан чиқишда чангнинг вақт бирлиги ичидаги миқдори 0,0065 г/с.


Чангнинг йиллик миқдори 0,118 т/йил. Тозалаш ускунасининг ушлаб қолиш самарадорлиги:

$$T = 4,35 - 0,118 / 4,35 * 100 = 97,3\%$$

3-жадвал

**Лаборатория таҳлил усулида олинган натижалар
(Ускуна иш фаолияти давомида)**

Корхонадаги мавжуд ЦН-11 циклонидан олинган таҳлил натижалари.		
Таҳлил олинган вақт	Зарарли модда	Олинган намуна, мг/м ³
Ускунанинг 3 соатдаги иш вақти	CO	48,7
	NO	82,6
	SiO ₂	140,6
	углеводородлар	42,5
Ускунанинг 6 соатдаги иш вақти	CO	48,8
	NO	83,4
	SiO ₂	141,2
	углеводородлар	42,9
Ускунанинг 9 соатдаги иш вақти	CO	48,3
	NO	82,4
	SiO ₂	139,4
	углеводородлар	42,4
Янги турдаги чанг-газ тозалаш ускунаси ўрнатилганидан кейинги кўрсаткичлар		
Ускунанинг 3 соатдаги иш вақти	CO	2,46
	NO	3,28
	SiO ₂	4,30
	углеводородлар	2,80
Ускунанинг 6 соатдаги иш вақти	CO	2,48
	NO	3,36
	SiO ₂	4,40
	углеводородлар	2,82
Ускунанинг 9 соатдаги иш вақти	CO	2,26
	NO	3,26
	SiO ₂	3,90
	углеводородлар	2,78




Ускунанинг иш вақти, соат.

5-расм. Корхонадаги ЦН-11 циклонидан олинган таҳлиллар.

Манба: расм муаллиф тадқиқотлари асосида ишлаб чиқилган.

Олинган таҳлил натижаларига кўра чанг-газ тозалаш ускунасининг тўла қувватда ишлашининг ҳисобига атмосфера ҳавосига зарарли моддаларнинг ажралиб чиқиши кўпроқ бўлишини кўрсатди. Бундан ташқари, асфальт тайёрлаш цехида инерт маҳсулотларидан кенг фойдаланилганлиги учун ноорганик чанг миқдори бошқа зарарли моддаларга нисбатдан кўпроқ ажралиб чиқади (5-расмга қаранг).




Ускунанинг иш вақти, соат.

6-расм. Таҳлил натижалари. Янги турдаги чанг-газ тозалаш ускунаси ўрнатилганидан кейин.

Манба: расм муаллиф тадқиқотлари асосида ишлаб чиқилган.

Янги турдаги чанг-газ тозалаш ускунасининг ўрнатилиши ҳисобига атмосфера ҳавосига ташланадиган зарарли моддаларнинг РЭЧМдан ошмаслигига эришилди (6, 7-расм)



7-расм. Қурилиш материаллари ишлаб чиқариш корхоналаридан ажралиб чиқадиган зарарли моддаларнинг РЭЧМ (ПДВ) га нисбатан таҳлили

Манба: расм муаллиф тадқиқотлари асосида ишлаб чиқилган.

Санитария химоя зонаси корхона атрофидаги ҳудуд ҳисобланади. Бу ҳудуд тоза сақланиши керак. Санитария химоя зоналарининг турар жой уйларигача бўлган чегараси корхона қувватига, технологик жараён хусусиятларига ва ажралиб чиқадиган зарарли моддалар миқдорига кўра белгиланади. Саноат корхоналари ҳавфлилиги жиҳатидан 4 гуруҳга бўлинади. Энг зарарлиси 1 гуруҳга киради. 1-гуруҳ учун санитария химоя зонаси 1000 м, 2-гуруҳ учун 500 м, 3-гуруҳ учун 300 м, 4-гуруҳ учун 100 м ни ташкил этади.

Саноат корхоналарини лойиҳалашнинг санитария меъёрларига мувофиқ зарарли моддалар инсон организми учун ҳавфлилик даражасига кўра 5 тоифага киради: 1-фавқулодда ҳавфли моддалар; 2-ўта ҳавфли моддалар; 3-ўртача ҳавфли моддалар ва 4-ҳавфли моддалар. Иш минтафаси ҳавоси таркибида бир томонлама таъсир кўрсатадиган бир неча хил зарарли моддалар бир йўла мавжуд бўлганда улардан ҳар қайсиси миқдорининг ($G_1, G_2, G_3, \dots, G_n$) уларнинг рухсат этилган чекли миқдорига ($РЭЧМ_1, РЭЧМ_2, \dots, РЭЧМ_n$) нисбати йиғиндиси бирдан катта бўлмаслиги керак:


$$M = G_1 / РЭЧМ * M_1 + G_2 / РЭЧМ * M_2 + G_3 / РЭЧМ * M_3 < 1. \quad (3)$$

Аҳоли яшайдиган пунктлардаги зарарли моддалар миқдори РЭЧМ дан ошиб кетмаслиги учун саноат корхоналарининг чиқинди чиқариш миқдори чегаралаб қўйилади. Унинг қоида ва тартиблари О'z DSt 2305:2011 да берилган бўлиб, ҳавонинг бошқа муассаларидан чиқарилаётган зарарли моддалар билан ифлосланиши, чиқинди чиқариладиган тутун қувурларининг баландлиги, ҳавода аралашиб кетиш тезлиги, ундан зарарли чўкмаларни сутка давомида чўкиш миқдори каби кўп маълумотлар инобатга олиниб ҳисобланади. Самарқанд вилоят йўллардан мунтазам фойдаланиш унитар корхонасининг аҳоли саломатлигига таъсири корхонадаги мавжуд ЦН-11 циклонидан олинган таҳлиллар ва янги турдаги чанг-газ тозалаш ускунаси

ўрнатилганидан кейинги ҳолат бўйича баҳоланди. Мазкур корхона ҳудудига энг яқин бўлган аҳоли пункти Ҳалвойи маҳалласи ҳисобланади.

Ҳисобий усул орқали корхона ҳудудидан 50-130 м масофада аниқланган кўрсаткичлар бўйича корxonанинг атроф-муҳитга таъсир коэффиценти 1дан юқори эканлиги аниқланди ҳамда янги турдаги чанг-газ тозалаш ускунаси ўрнатилганидан кейин таъсир коэффиценти 1 дан камайтирилди. (1-формула).

Ургут тумани бўйича “URGUT TEXTILE SHIFER” маъсулияти чекланган жамияти корхонасига яқин аҳоли пунктларига таъсири баҳоланди.



8-расм. Корхоналарнинг инсон саломатлигига таъсири

Манба: расм муаллиф тадқиқотлари асосида ишлаб чиқилган.

Корхона ҳудудига энг яқин бўлган аҳоли пункти Қайроқли маҳалласи ҳисобланади. Ҳисобий таҳлил натижаларига кўра корхона ҳудудига энг яқин ҳисобланган аҳоли яшаш пунктига корxonанинг салбий таъсири йўқлиги аниқланди. Пастдарғом туманида жойлашган “ILK YOG’DU NASHIDASI” МЧЖ ғишт ишлаб чиқариш корхонасига энг яқин ҳисобланган аҳоли пункти Чимбаябад МФЙ ҳисобланади. Корхонада тупроқ қазиниш ишлари кенг кўламда олиб борилиши ҳисобига атроф-муҳитга кўпроқ нооганик чанг ажралиб чиқади. Корхона ҳудуди бўйлаб 2,5 м баландликда девор кўтарилиши ва ўраб олиниши ҳисобига аҳоли саломатлигига таъсир коэффиценти 1 дан камайтирилди (8-расмга қаранг) .

Корхоналардан ажралиб чиқадиган ифлослантирувчи моддаларнинг фазо бўйлаб тарқалиш кенглиги асосида ва таъсири энг юқори бўлган томон бўйича дарахт баргларида таҳлиллар ўтказилган. Мазкур таҳлил ўтказиш жараёнлари ва корхоналарнинг ўсимлик дунёсига таъсирини ўрганиш Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 17 январдаги №43-сонли қарори билан тасдиқланган “Давлат ўрмон фондига кирмайдиган ерларда дарахтлар ва буталардан фойдаланиш соҳасида рухсат бериш тартибини янада такомиллаштириш тўғрисида” ги Қарорнинг 3-бобида келтириб ўтилган талаблар асосида ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йилдаги 1553-сонли

қарори корхоналарнинг атроф-муҳитга таъсирини баҳолаш “Йўриқномаси” асосида таҳлил қилинди. (4-жадвалга қаранг).

4-жадвал.

Саноат корхоналарининг ўсимлик дунёсига таъсирини баҳолаш

Туманлар (50-130 м масофада) ва зарарли моддалар	Манбалар бўйича олинган намуна миқдори, г/с	Дарахтлардаги ноорганик чанг миқдори, гр. (ускуна ўрнатилмасдан олдин)	Янги турдаги ускуна ўрнатилгани дан кейин, гр	Самарадор- лик % ва натижага эришил- ганлик
Самарқанд шаҳри. (асфальт-бетон и/ч) ноорганик чанг	0,19	670 гр	23,4 гр	97 %
Ургут тумани. (шифер и/ч) ноорганик чанг	0,22	872,8 гр	24,9 гр	97 %
Пастдарғом тумани (Ғишт и/ч) ноорганик чанг	0,18	576,9	38,7 гр	93 %

Манба: жадвал муаллиф тадқиқотлари асосида ишлаб чиқилган.

Зарарли моддалар яъни ноорганик чангнинг ўсимликларга таъсири камайтирилди ва самарадорлиги % ҳисобида аниқланганида Самарқанд шаҳридаги асфальт-бетон ишлаб чиқариш корхоналарининг ўсимликларга таъсири (ғарб томон) 97%, Ургут туманидаги шифер ишлаб чиқариш корхонасининг ўсимлик дунёсига таъсири (ғарб томон) 97% ва Паст Дарғом туманидаги ғишт ишлаб чиқариш корхонасининг ўсимликларга таъсири (жануб томон) 93 % ни ташкил этди.

Ишлаб чиқариш корхоналарининг ташкиллаштирилган манбаларидан ажралиб чиқадиган зарарли моддалардан намуналар олиш ва таҳлил қилиш услублари ва фарқи тажриба схемалари ишлаб чиқилди (5-жадвал). Корхона манбаларида ҳосил бўлган зарарли моддаларни таҳлил қилиш фарқи Асфальт-бетон и/ч корхонаси бўйича 9 %ни, шифер ишлаб и/ч корхонаси бўйича 10 %ни ва “Илк Ёғду Нашидаси” МЧЖ ғишт ишлаб чиқариш корхонаси бўйича 11 % ни ташкил этди.

Атмосферага чиқарилаётган зарарли моддалар миқдори ва ишлаб чиқариш корхоналарининг атроф-муҳитга таъсирини камайтириш бўйича Самарқанд шаҳридаги яна бир “Ўзгазсувқурилиш”асфальт ишлаб чиқариш корхонаси танланди. Асфальт тайёрлаш цехида ҳосил бўладиган зарарли моддалар таҳлил қилинди ва зарарли моддаларнинг ҳосил бўлишига кўра башорат кўрсаткичлари аниқланди. СамЙМФУҚдаги 5 та ташкиллаштирилган манбаларидан олинган таҳлил натижалари умумий миқдоридан келиб чиққан ҳолда 2 корхона мисолида ҳисобланди. Корхоналарнинг атроф-муҳитга таъсирининг камайтирилиши бўйича корхона, туман ва вилоят кесимида башорат кўрсаткичлари иниқлади. (6-жадвал).

5-жадвал.

Манбалардан ажралиб чиқадиган зарарли моддалардан намуналар олиш ва таҳлил қилиш услублари ва фарқи тажриба схемалари

Ишлаб чиқариш корхонаси	Намуна миқдори, мг/м ³	Намуна миқдори, г/с	Намуна миқдори, т/й	Намуна миқдори мг/м ³	Намуна миқдори, г/с	Намуна миқдори, т/й	Кўрсаткичлар- фарқи
Лаборатория усули			Ҳисобий- таҳлил усули				
Асфальт-бетон и/ч корхонаси, асфальт тайёрлаш цехи, ЦН-11 русумли циклон	140,4	0,320	5,81	127,7	0,291	5,28	K1=9,04 %
Шифер ишлаб чиқариш корхонаси, цемент сақлаш сифими, ЦОЛ-3 русумли циклон	54,8	0,073	1,14	48,9	0,065	1,01	K2=10,7 %
“Илк Ёғду Нашидаси” МЧЖ ғишт ишлаб чиқариш корхонаси, ғишт пишириш печи	8,3	0,03	0,15	7,4	0,02	0,14	K2=10,8 %


Манба: жадвал муаллиф тадқиқотлари асосида ишлаб чиқилган.

6-жадвал.


Атмосферага чиқарилаётган зарарли моддалар миқдори ва ишлаб чиқариш корхоналарининг атроф-муҳитга таъсирини камайтириш бўйича чоралар (2022 йилдан бошлаб)

№	Ишлаб чиқариш корхонаси	Зарарли моддалар миқдори, г/с (мавжуд манбалар бўйича)		Зарарли моддалар миқдори, туманлар кесимида, (мавжуд корх) минг т/й		Самарқанд вилояти кесимида, минг т/й	
		ҳақиқатда	Янги турдаги ускуна ўрнатилгач	ҳақиқатда	Янги турдаги ускуна ўрнатилгач	ҳақиқатда	Янги турдаги ускуна ўрнатилгач
1	Асфальт бетон и/ч корхонаси	5 та манба, 0,49	5 та манба, 0,44 (самар. 10%)	18,24	17,35 (самар. 5%)	19,404	18,434 (самарад. 5%)
2	Шифер и/ч корхонаси	4 та манба, 0,58	4 та манба, 0,52	0,615	0,575		
3	Ғишт и/ч корхонаси	7 та манба, 0,87	7 та манба, 0,76	0,549	0,509		

Манба: жадвал муаллиф тадқиқотлари асосида ишлаб чиқилган.



9-расм. Самарқанд ЙМФ УК ҳудудида шамол йўналишини қайтарилиши (% ҳисобида)



10-расм. “Ургут шифер” МЧЖ ҳудудида шамол йўналишини қайтарилиши (% ҳисобида)

ХУЛОСАЛАР

Қурилиш материаллари ишлаб чиқариш корхоналаридан ажралиб чиқадиган зарарли моддаларнинг атроф-муҳитга таъсирини баҳолаш (Самарқанд вилояти мисолида) номли техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) даражасини олиш учун тайёрланган диссертация иши бўйича бажарилган назарий-тажриба натижалари асосида қуйидаги умумий хулосалар келтирилган:

1. Қурилиш материаллари ишлаб чиқариш корхоналарининг атроф-муҳитга таъсирини баҳолашнинг биринчи босқичи яъни атроф-муҳитга бўлган таъсири тўғрисида билдириш лойиҳасини ишлаб чиқиш босқичида амалга оширилди. Натижада, фаолият олиб боровчи корхоналарнинг хавфлилиқ даражасига нисбатдан асфальт и/ч 2, шифер и/ч 1, ғишт и/ч корхонаси 2 категорияга мансублиги аниқланди.

2. Ҳаво муҳитини санитария аҳволини назорат қилиш учун лаборатория усулидан фойдаланган ҳолда Самарқанд вилоятидаги асфальт, шифер ва ғишт и/ч корхоналари манбаларидан намуналар олинди ва таҳлил қилинди. Асфальт и/ч корхонасининг ЦЕН-11 чанг газ тозалаш ускунаси (ЧГТУ)дан олинган таҳлил натижаларига кўра ноорганик чанг миқдори 140,4 мг/м³, шифер и/ч корхонаси ЦОЛ-3 ЧГТУдан олинган таҳлил натижаларига кўра 54,8 мг/м³, ғишт и/ч корхонасидаги қозонхонасидан олинган натижаларга кўра 8,3 мг/м³ ни ташкил этди.

3. Асфальт-бетон и/ч корхонаси бўйича ускуналарнинг иш принципига кўра бир сутка давомида атмосфера ҳавосига ажралиб чиқадиган зарарли моддаларнинг энг юқори кўрсаткичи аниқланди. Ускуна иш вақти 3-соатида ноорганик чанг миқдори 140,6 мг/м³, иш вақти 6-соатида 141,2 мг/м³ ва иш вақти 9-соатида 139,4 мг/м³ни ташкил этди.

4. Корхоналардаги мавжуд ЧГТУнинг иш самарадорлиги асбобий усул ёрдамида таҳлил қилинди. Натижада асфальт и/ч корхонаси ЧГТУ иш самарадорлиги 85%, шифер и/ч 83% ни ташкил этди.

5. Қурилиш материаллари ишлаб чиқариш корхоналаридаги ташланма ташлайдиган манбалар 2006 йил 3 январдаги 1553 сонли ВМК Йўриқномасига асосан хатловдан ўтказилди. Асфальт и/ч корхонасида жами 38 та, шифер и/ч к да 21 та ва ғишт и/ч да 16 та манбани ташкил этди.

6. Манбаларни ҳисобий усулдан фойдаланиб, атроф-муҳитга таъсирини баҳолаш бўйича зарарли моддаларнинг руҳсат этилган чегаравий меъёри (РЭЧМ)га амал қилиш режа графиги ишлаб чиқилди. Мазкур графикка асосан асфальт-бетон и/ч корхонасидан ажралиб чиқадиган ноорганик чанг 1,7 баробар, азот оксиди 2 баробар ва углерод оксиди 1,4 баробар ортганлиги аниқланди.

7. И/ч короналарининг ишлаб чиқариш қуввати, фойдаланиладиган ёқилғи тури, техник ускуналар билан жихозланганлик ҳолатидан келиб чиқиб, таққосланиши натижасида қуйидагиларга эришилди: “Керамика стандарт плюс” ғишт заводи кўмирдан фойдаланганлиги боис ифлослантириш 3 баробар кўпроқ, Фарход қўрғонидаги асфальт-бетон и/ч корхонаси бир неча турдаги маҳсулотларни и/ч қувватига эга бўлганлиги учун “Ўзбекгазсувқурилиш” корхонасига нисбатан 4 баробар кўпроқ ва Ургут шифер и/ч корхонаси “Ятра инвест” шифер и/ч корхонасига нисбатдан 2 баробар кўпроқ ифлослантираётганлиги аниқланди.

8. ЧГТУда янги турдаги ускуналар яратилди, “Тўлдирувчи материаллар ёрдамида чанг-газларни тозалаш ускунаси”да абсорбент сифатида маҳаллий хом ашёдан фойдаланиш мумкинлиги аниқланди.

9. Лаборатория синов ишларида ҳавони зарарли моддалардан тозалашда ҳажмий массаси 300-450кг/м³ бўлган керамзитдан фойдаланилганда ускуна иш самарадорлиги оширилганлигини кўрсатди.

10. Саноат корхоналарини лойиҳалашнинг санитария меъёрларига мувофиқ зарарли моддаларнинг инсон организми учун ҳавфлилик даражасига кўра РЭЧМлари аниқланди. Асфальт бетон и/ч 1,42>1, шифер и/ч меъёрида яъни 0, 64<1, ғишт и/ч корхонаси бўйича 1,32>1 эканлиги ва ускуна

ўрнатилганидан кейин асфальт-бетон и/ч кўрсаткичлари $0,97 < 1$, ғишт и/ч кўрсаткичлари $0,88 < 1$ ни ташкил этди.

11. Корхоналардаги ЧГТУ лари иш самарадорлиги асфальт-бетон и/ч корхонасида 98%, шифер и/ч 97% ва ғишт и/ч корхонасидаги ЧГТУ иш самарадорлиги 96 % га оширилди.

12. Корхоналарнинг ўсимлик дунёсига дастлабки ва ускуналарда янги турдаги чанг-газ тозалаш ускуналарининг қўлланилиши ҳисобига асфальт-бетон и/ч корхонасида 97 %, шифер и/ч 97% ва ғишт и/ч корхонасининг атроф-муҳитга таъсирининг камайтирилиши самарадорлиги 95 % ни ташкил этди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.26/27.02.2020.Т.109.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ САМАРКАНДСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ АРХИТЕКТУРНО-СТРОИТЕЛЬНОМ
ИНСТИТУТЕ**

САМАРКАНДСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

КЕЛДИЁРОВА ГУЛМИРА ФАРХОДОВНА

**ОЦЕНКА ВОЗДЕЙСТВИЯ ЗАГРЯЗНЯЮЩИХ ВЕЩЕСТВ НА
ОКРУЖАЮЩУЮ СРЕДУ ОТ ПРОИЗВОДСТВА СТРОИТЕЛЬНЫХ
МАТЕРИАЛОВ (НА ПРИМЕРЕ САМАРКАНДСКОЙ ОБЛАСТИ)**

03.00.10 - Экология

**АВТОРЕФЕРАТ
диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам**

Самарканд - 2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за B2018.2.PhD/B215.

Диссертация выполнена в Самаркандском государственном университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещён на веб-странице Научного совета (www.aknuk.uz) и информационно-образовательном портале "ZiyoNet".

Научный руководитель:

Бобоев Собиржон Мурадуллаевич
доктор технических наук, профессор

Официальные оппоненты:

Мамбетуллаева Светлана Мирзамуратовна
доктор биологических наук, профессор

Ходжиев Алишер Кулдошевич
доктор философии по техническим наукам
(PhD)

Ведущая организация:

Джиззакский политехнический институт

Защита диссертации состоится на заседании Ученого совета при Самаркандском государственном архитектурно-строительном институте PhD.26/27.02.2020.Т.109.01 в 2021 году «17» декабрь в 10⁰⁰ часов (Адрес: 140147, г. Самарканд, ул. Лолазор, 70. Тел.: (99866)237-18-47; факс: (998 66) 237-19-53, e-mail: samgasi_atm@edu.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в информационно-ресурсном центре Самаркандского государственного архитектурно-строительного института (регистрационный номер - _____). Адрес: 140147, г. Самарканд, ул. Лолазор, 70. тел.: (998 97) 315-44-50, e-mail: <http://arm.samgasi.uz/>.

Автореферат диссертации разослан «30» ноябрь 2021 года.
(Реестр протокола рассылки № 2 от «30» ноябрь 2021 года)

Ю.К.Рашидов
Председатель Научного совета по
присуждению ученой степени,
д.т.н., профессор

Р.М.Махмудов
Ученый секретарь Научного совета по
присуждению ученых степеней,
к.т.н., доцент

А.Н.Турабаев
Председатель Научного семинара при
Научном совете по присуждению ученых
степеней, д.б.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и необходимость темы диссертации. В настоящее время в производственной практике развитых стран мира большое внимание уделяется разработке инновационных технологий и методик в науке и технике. В связи с этим, ключевыми вопросами в области охраны окружающей среды являются предотвращение превышения предельно допустимых норм вредных веществ промышленными предприятиями, снижение воздействия промышленных предприятий различных отраслей на окружающую среду. В этой сфере во многих развитых странах мира достигнуты определенные успехи, в связи с этим важнейшими задачами являются вопросы научного обоснования разработки более совершенных конструктивных решений при создании технологий по очистке как пыли, так и газообразных веществ на производственных предприятиях, снижения влияния предприятий на окружающую среду за счет применения на очистительных фильтрах пыле - газоочистительных систем.

В ведущих научно-исследовательских центрах мира уделяется особое внимание оценке вырабатываемых промышленными предприятиями вредных веществ в соответствии с проектами предельно допустимых норм, нормированию, повышению эффективности пыле - газоочистного оборудования. Особое внимание уделяется снижению влияния предприятий на окружающую среду, анализу разработки уровней оценки на основе утвержденных нормативных документов, сокращению влияния предприятий на атмосферный воздух, здоровье людей, растительный мир, созданию на пыле-газоочистительных оборудованьях предприятий двухступенчатой системы очистки, достижения долгосрочной эксплуатации технологий, повышения эффективности за счет изменений процесса работы фильтров и пылеуловительных технологий.

Наряду с модернизацией очистительного оборудования в сфере производства строительных материалов в республике принимаются комплексные меры по предотвращению сверхнормативного загрязнения атмосферного воздуха, недопущению превышения вредными веществами предельно допустимых норм. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан определены задачи по «... своевременному осуществлению мер, направленных на охрану окружающей среды, предотвращение негативного воздействия на генофонд и здоровье населения». Исходя из этих целей, большое научно-практическое значение приобретают вопросы внедрения новых видов пыле – газоочистительного оборудования на производственных предприятиях, повышение за счет этого их эффективности, снижению и оценке влияния предприятий на атмосферный воздух, здоровье человека и растительный мир.

По 5 приоритетным направлениям Стратегии действий по развитию Республики Узбекистан на 2017-2021 годы, утвержденной Указом Президента Республики Узбекистан № ПФ-4947 от 7 февраля 2017 года № ПФ-58 данная диссертация будет в определенной степени служить для реализации этих

задач, поставленных в Постановлении «Об утверждении концепции охраны окружающей среды» и в других соответствующих правовых документах, связанных с этой деятельностью.

Соответствие исследования приоритетам развития науки и технологий республики. Данное исследование проводилось в рамках приоритетов развития науки и технологий в стране: V. «Сельское хозяйство, биотехнология, экология и охрана окружающей среды».

